

### *Manba va foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:*

1. П.С Кузьмин "Интеллектуальные системы учета электроэнергии: эмпирический анализ факторов восприятия технологии // CPPM. 2021. №1.
2. И.Ферова, "Управление финансовой устойчивостью и финансовыми результатами," 2013.
3. Богомолова, О. Ю. "Влияние мотивационно-ценостной направленности студентов на готовность к будущей профессиональной деятельности." Образование личности 3-4 (2020): 86-93.
4. Белякова, СА. "Необходимость изменений профессиограммы учителя: постановка проблемы." психология, образование: актуальные и приоритетные направления исследований. 2017.
5. Стеценюч Ю.Н. Знание особенностей финансирования образовательных учреждений в современных условиях как необходимость эффективного управления // Царскосельские чтения. 2015. №XIX.
6. Абанкина, И. В., Е. В. Савицкая. "Бюджетное финансирование образовательных учреждений: структура и источники денежных средств." Дагестан 6 (2012): 9.
7. Becker, Gary S., and Richard A. Posner. *Uncommon sense: economic insights, from marriage to terrorism*. University of Chicago Press, 2009.
8. O'lmasov A., Vahobov A. Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik-T.: TDIU. 2014 409-bet.
9. Malikov T., Haydarov N. Davlat byudjeti. O'quv qo'llanma / Toshkent Moliya instituti. -T.: "Iqisod-moliya", 2007. 84-bet.
10. Б. Юсупов, "Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантиришда кичик тадбиркорлик имкониятларидан фойдаланиши," pp. 1-5, 2018.
11. Е.О. Гаспарович "Корпоративная культура и социальная ответственность: диагностика, планирование, развитие: учебно-методическое пособие: в 2 частях: Часть 1." (2019).
12. Е.Н.Мельников, "Критический анализ моделей управления денежным потоком," АУДИТ И ФИНАНСОВЫЙ АНАЛИЗ, по. 4'2011, pp. 0-5, 2011
13. О. Н. Мельников, В. Г. Ларионов, and Н. А. Ганькин, "Основные Этапы Инновационного Развития Организации Производства С Позиций Динамики Использования Принципов Бережливого Производства," Russ. J. Innov. Econ., vol. 6,



### **ХУДУД МОЛИЯВИЙ ИМКОНИЯТЛАРИНИ МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ХУСУСИДА**

**Аҳмадалиев Аъзамжон Абдулвоҳидович -**

Наманган мұхандислік-технология институты мұстақил изланувчысы

**doi:** [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a58](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a58)

**Аннотация.** Мақолада ҳудудлар молиявий имкониятлари шаклланиши ва мұстақамланишида давлатнинг әркін иқтисодий зоналарни ривожлантириш сиёсати вазифалари самарали ижросининг ажамияти, вазифалари, омиллари ва ҳозирги замон муаммоларини ёритишга ҳаракат қилинган. Ҳудуд молиявий имкониятларини маҳсус иқтисодий зоналар фаоллигини таъминлаш асосида ривожлантиришга оид жаҳон амалиёти ва мазкур механизмнан хос замонавий трендлар тажрибаларини ўзлаштириш асосида унинг самарали восита ва усулларини қўллаш хусусиятлари ва вазифалари баён этилган. Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожланиши истиқболларида ҳудуд молиявий имкониятларини маҳсус иқтисодий зоналар фаоллигини таъминлаш асосида ривожлантириш ўналишилари асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** ҳудуд иқтисодиёти, ҳудуд иқтисодиётининг барқарор ривожланиши омиллари, ҳудуд молиявий имконияти, маҳсус иқтисодий зоналар, әркін иқтисодий зоналар, әркін иқтисодий зоналар фаоллиги, ҳудудлар молиявий имкониятларини ривожлантириши омиллари.

### **О ФАКТОРАХ РАЗВИТИЯ ФИНАНСОВЫХ ВОЗМОЖНОСТЕЙ РЕГИОНА ПУТЁМ ОБЕСПЕЧЕНИЯ АКТИВНОСТИ ОСОБЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН**

**Аҳмадалиев Аъзамжон Абдулвоҳидович -**

соискатель Наманганского инженерно-технологического института

**Аннотация.** В статье делается попытка осветить важность, задачи, факторы и современные проблемы эффективной реализации государственной политики развития особых экономических зон в формировании и укреплении финансового потенциала регионов. Особенности и цели применения его эффективных инструментов и методов основаны на мировом опыте развития финансового потенциала региона на основе обеспечения деятельности особых экономических зон и опыте современных тенденций, характерных для данного механизма. Обоснованы направления развития финансового потенциала региона в перспективе социально-экономического развития Республики Узбекистан до 2030 года на основе обеспечения деятельности особых экономических зон.

**Ключевые слова:** региональная экономика, факторы устойчивого развития региональной экономики, финансовый потенциал региона, особые экономические зоны, свободные экономические зоны, деятельность особых экономических зон, факторы развития финансовых возможностей регионов.

ON THE FACTORS OF THE REGION'S FINANCIAL OPPORTUNITIES DEVELOPMENT  
BY ENSURING THE ACTIVITY OF THE FREE ECONOMIC ZONES

Axmadaliyev A'zamjon Abdulvoxidovich -  
Researcher of the Namangan Institute  
of Engineering and Technology

**Abstract.** The article attempts to highlight the importance, tasks, factors and modern problems of effective implementation of the state policy for the development of special economic zones in the formation and strengthening of the financial potential of the regions. Features and objectives of the application of its effective tools and methods are based on the world experience in the development of the financial potential of the region on the basis of ensuring the operation of special economic zones and the experience of modern trends characteristic of this mechanism. The directions for the development of the financial potential of the region in the perspective of the socio-economic development of the Republic of Uzbekistan until 2030 on the basis of ensuring the operation of special economic zones are substantiated.

**Key words:** regional economy, factors of sustainable development of the regional economy, the financial potential of the region, special economic zones, free economic zones, the activity of free economic zones, factors of the development of the financial capabilities of the regions.

**Кириш.** Жаҳонда маҳсус иқтисодий зоналарни ташкил қилиш, уларнинг самарадорлиги ни ошириш, инвестицияларни кенг жалб қилиш устувор йўналишга айланмоқда. Халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, “дунёда 3,5 мингдан зиёд маҳсус иқтисодий зоналар бўлиб, улар 140 мамлакатда жойлашган. Бутун дунёдаги эркин иқтисодий зоналарда 70 миллионга яқин инсонлар меҳнат қилади” [1]. Ҳозирда ва келажакда маҳсус иқтисодий зоналар мамлакат инвестицион салоҳиятини ошириш, янги инновацион технологияларни қўллаш, илғор менежмент тизимиға ўтиш орқали мазкур худуд молиявий имкониятларини оширишнинг ўзига хос шакли бўлиб қолади.

Жаҳонда маҳсус иқтисодий зоналар минтақа иқтисодиётининг барқарор ривожланиш омилига айлангани сабабли уларни оптимал жойлаштириш ва самарали бошқаришга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада маҳсус иқтисодий зоналарнинг худудлар молиясини самарали бошқаришдаги ролини ошириш, худуд молиявий имкониятларини оширишда инвестицияларни мақсадли жалб этиш, экспорт салоҳиятини ошириш, келажакда минтақа иқтисодиётига таъсирини баҳолаш услубиятини такомиллаштириш бўйича тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида минтақаларнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётини таъминлаш, жумладан, саноат тармоқларини ривожлантириш ва маҳаллий минерал-хомашё ресурслар негизида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишига алоҳида эътибор берилмоқда. “Биз иқтисодиётимизга сармоя киритишга интиладиган инвесторлар учун худудлар ва тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини пухта шакллантира олсақ, бу масалада ижобий натижага эришиш мумкин. Бу борада маҳсус иқтисодий зоналарда бизнес субъектларини жойлашти-

риш, уларга имтиёз ва преференциялар беришни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш лозим” [2].

Бундан келиб чиққан ҳолда, жумладан, маҳсус иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратиш асосида ҳудуд молиявий имкониятларини эркин иқтисодий зоналар фаоллигини таъминлаш асосида ривожлантиришга йўналтирилган тадқиқотларни кенг йўлга қўйиши мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш учун 2030 йилгача капитал қўйилмалар ҳажмларини 3,1 баравар, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни 7,0 баравар кўпайтириш талаб этилади. Бунда минтақаларнинг моддий-техник ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, сермаҳсул иш ўринлари ташкил этилишини ва маҳаллий аҳоли даромадлари ошишини таъминлайдиган инфратузилмавий, ишлаб чиқариш ва ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун маҳаллий ресурслар ва имкониятларни жадал сафарбар қилиш йўли билан минтақавий омилдан самарали фойдаланишга урғу берилади.

Бунда саноат ишлаб чиқаришларини самарали ривожлантириш ва жойлаштириш ҳамда хусусий ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш учун иқтисодий ва ихтисослаштирилган зоналар, тармоқ кластерлари, кичик саноат зоналари, инновацион марказлар, технопаркларнинг афзалликлари ва устунлигидан фойдаланишга алоҳида аҳамият берилади [3].

**Мавзуга оид адабиётлар шархи.** Ҳудудлар молиясида маҳсус иқтисодий зоналарнинг умумназарий жиҳатлари хорижий олимлар И.Л.Ким, Ж.А.Леддин, М.В.Брендан, Сюй Цзоше, Цай Женъюнь, А.Аггарвал ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган.

Шунингдек, МДҲ мамлакатлари олимларидан К.Бабагулов, А.Есентугелов, Е.Авдокушин, Т.П.Данъко, З.М.Окрут, М.С.Гуцериев, Ю.Комлев

сингари олимлар томонидан маҳсус иқтисодий зоналарнинг ҳудуд молиявий имкониятлари шаклланиши ва мустаҳкамланишига таъсири жараёнларига алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимиз олимларидан М.А.Абдусалямов, Т.М.Аҳмедов, А.М.Содиқов, О.О.Олимжонов, Ф.Т.Эгамбердиев, А.В.Маматқулов, Ш.Ҳ.Назаров, А.Б.Низамов, Ҳ.М.Сайдахмедов, А.Р.Холиқулов, Ҳ.Р.Ҳамроев ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ҳудудий иқтисодиётда маҳсус иқтисодий зоналарнинг турли йўналишдаги муаммолари ёритилган. Аммо эркин иқтисодий зоналарнинг ҳудуд молиявий имкониятлари шаклланиши ва мустаҳкамланишига таъсири, жойлаштириш омиллари ва самарадорлик мезонларини ишлаб чиқиш муаммолари етарлича ўрганилмаган.

Ҳозирги кунда мамлакатда ҳудуд молиявий имкониятларини маҳсус иқтисодий зоналар фаоллигини таъминлаш асосида ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш долзарб бўлиб қолмоқда.

Иқтисодий адабиётларда ва муаллифларнинг илмий чиқишиларида маҳсус иқтисодий зоналар мазмuni сифатида турли тушунчалар хорижлик ва МДҲ давлатлари муаллифлари томонидан қуйидагича талқин қилинмоқда.

Хусусан. J.Kolko, D.Neumark томонидан Маҳсус иқтисодий зона мазмуни “давлат аралашувини чеклаш, алоҳида имтиёзлар ва корпоратив преференциялардан фойдаланиш имконини берувчи, янги иш ўринларини яратувчи тадбиркорлик” сифатида талқин этилган [4].

Го Шухуннинг фикрига кўра, “маҳсус иқтисодий зона маҳаллий ижтимоий-иқтисодий тизим ҳисобланмиш зона бўлиб, у ўзининг алоҳида, локал ва нисбатан алоҳида бошқариш тизимиға эга бўлиши лозим, яъни тегишли вазирликлар ва марказий ҳукумат юрисдикциясидан мустақил фаолият юритади” [5].

Шунингдек, хорижлик муаллифлар D.Zeng томонидан Маҳсус иқтисодий зона тушунчасини “иқтисодий-сиёсий муаммолардан холи, мулк муҳофазаси таъминланган ва ҳуқуқ тизими яхши ишлайдиган шартларда қулай инвестицион мұхитни шакллантирувчи имтиёз ва рағбатлар тизими” [6] деб, L.Chee томонидан “ҳудудий иқтисодий ўсишни таъминловчи, лекин давлат бюджети даромадлари камайиши рискини оширувчи давлат тадбири” [7] деб, S.Van Parys, S.James томонидан “имтиёзлар, жумладан, солиқ имтиёзлари (тўлиқ озод этиш, каникуллар бериш, пасайтирилган ставкаларни қўллаш, солиқ оғирлиги пасайиб бориш тенденциясини ушлаб туриш ва ҳ.к.) ва инвестициялар ҳажми мутаносиб нисбатини таъминловчи механизм” [8] деб талқин этилган.

МДҲ давлатлари олимлари, жумладан, А.Х.Евстафьева томонидан маҳсус иқтисодий зона мазмунига “мамлакатнинг иқтисодий ҳафғизлигини барқарор иқтисодий ўсиш ва барча маъмурий-ҳудудий субъектларни ривожлантириш орқали ҳусусий тадбиркорлик фаолиятининг маҳсус режимидан фойдаланган ҳолда таъминлаш усули” [9], К.С.Свинцова томонидан “тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг маҳсус режимини таъминлайдиган ҳуқуқий воситалар ва усуллар тўплами” [10], А.В.Гасумянова томонидан “иқтисодий фаолиятни олиб бориш учун маҳсус режим доирасида тартиба солувчи, ташкилий, ҳуқуқий ва шартномавий-ҳуқуқий асосларнинг мажмуи” [11] деб таъриф берилган.

Юқорида келтирилган тушунчалар, таърифлар ва талқинлардан келиб чиқиб, ҳозирги вақтда маҳсус иқтисодий зоналарнинг моҳияти тўғрисида мавжуд бўлган қарашларни таҳдил қилиш асосида янгича тадқиқ ёндашувини жорий этиш лозим. Ушбу ёндашув асосига маҳсус иқтисодий зоналарни ўрганиш предмети ва методини аниқ ифодалаш ва илмий асослаш кўйилиши лозим: “**Маҳсус иқтисодий зона ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган, аҳоли пункти ҳудудининг ёки аҳоли пунктлариаро ҳудуднинг қонун ҳужжатлари билан муайян мақом берилган ҳамда ҳудуди доирасида хизмат қўрсатувчи институционал инфратузилмага эга бўлган ишлаб чиқариш майдонлари жойлашадиган ва чегаралари аниқ белгиланган қисми бўлиб, унинг ҳудудида иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи маҳсус ҳуқуқий ва маъмурий режим мавжуд**”.

Айрим иқтисодчилар “ҳудудий молиявий имконият” тушунчаси билан “маҳаллий молиявий имконият” тушунчасини бир томондан, “молиявий ресурслар” ва “молиявий имкониятлар” тушунчаларини иккинчи томондан бир хил маънода талқин этмоқдалар [14-16].

Иккинчи гуруҳ иқтисодчилар ҳудудларнинг молиявий имконияти таркибида юридик шахслар, аҳоли ва давлатнинг молиявий ресурсларини ажратиб қўрсатганлар [17-18].

Ҳудуд молиявий имкониятини баҳолашнинг ўзига хос услубияти тўлиқ ўрганилмаган. Шу сабабли бюджет амалиёти учун аниқ тавсия ва ўйриқномалар мавжуд эмас.

Бизнинг фикримизча, молиявий имконият ҳудудларга нисбатан талқин этилганда, унинг доирасини маҳаллий бюджет даромадлари базаси билангина чеклаб қўймасдан, балки ҳудуд молиявий ресурсларининг бошқа элементларини ҳам, шу билан бирга, ҳудудга қўшимча жалб қилиниши мумкин бўлган маблағларни ҳам қамраб олиши лозим.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқ жараёнида илмий мушоҳада, абстракт-мантиқий фикрлаш, индукция, дедукция, статистик, иқтисодий, молиявий таҳлил, эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилганлиги ҳудуд молиявий имкониятларини маҳсус иқтисодий зоналар фаоллигини таъминлаш асосида ривожлантиришга янгича ёндашувни таъминлашдек тадқиқот муаммоси ечимига олиб борувчи мақсад ва вазифаларнинг тўғри, тадқиқот учун белгилangan йўлнинг ишончли ва аниқ қўйилганлигини асослаган.

Мазкур илмий мақоладаги тадқиқ мантиқидан келиб чиқиб, “худуднинг молиявий имкониятлари” тушунчасининг туб моҳиятини, уларнинг фарқлари ва хусусиятларини ҳамда ҳозирги замон маҳаллий молия сиёсати стратегияси ва тактикаси нуқтаи назаридан долзарб муаммоларини ёритишни лозим топдик.

**Натижа ва муҳокамалар.** Ҳудуднинг молиявий имкониятларини баҳолаш ва уларни ошириш йўналишларини белгилаш, нафақат

маҳаллий бюджетлар даромадлари базаси шаклланишининг амалдаги механизмини таҳлил қилиш учун зарур, балки ушбу зарурат маҳаллий молияни бошқариш, давлат сиёсатидаги ўзгаришларни асослаш ҳамда унинг истиқболдаги вазифаларини белгилашда ҳам сезилмокла.

Кўпчилик иқтисодчилар ҳамон имкониятни молиявий ресурслар билан бирдай талқин этмоқдалар. Бизнинг фикримизча, ушбу тушунчалар мазмуни бир-бирига яқин бўлса-да, улар моҳияти жиҳатидан бир эмас. Маҳаллий бюджет имконияти – ҳудуднинг фойдаланилаётган молиявий ресурсларининг бир қисми. Ҳудуд молиявий ресурслари таркибида эса мазкур ҳудуддаги маҳаллий бюджет даромадидан ташкари шу ҳудуддаги юридик ва жисмоний шахслард, тадбиркорлик субъектларидан тушган пул даромадлари ва жамғармалари, ҳудудга турли тадбирлар учун жалб этилган маблағлар, ҳомийлар маблағлари ҳам тегишли ўрин эгаллайди (1-расмга қаранг).



## **1-расм. Худуд молиявий имкониятлари**

**Манба:** мұаллиф томонидан тайёрланған

1-расмдан қўринишича, ҳозирда ҳудуд молиявий имкониятлари шаклланишида амалда ҳудудда фойдаланилаётган молиявий ресурслар билан бирга маҳсус иқтисодий зоналар ташкил этиш орқали қўшимча жалб қилиниши мумкин бўлган маблағлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан ҳудуд молиявий имкониятларини маҳсус иқтисодий зоналар фаоллигини таъминлаш асосида ривожлантириш йўналишларини тадқиқ этиш ўта долзарбдир.

Ушбу тадқиқ жараёнида, бизнинг фикри-  
мизча, қуйидаги вазифалар тўлиқ ҳал қилини-  
ши мақсадга мувофиқ:

- худуд молиявий имкониятларини ри-  
вожлантириш нүктай назаридан маҳсус иқтисо-

дий зоналар фаолиятини ташкил этишнинг илмий асосларини ўрганиш:

- махсус иқтисодий зоналар фаолиятини ҳудудий молия манбаатларидан келиб чиқиб ташкил этиш методологиясини талдик этиш;

- хорижий мамлакатларда худудлар молиясини маҳсус иқтисодий зоналар воситасида ривожлантириш тажрибаларини ёритиш;

- худудлар молиясини ташкил этиш ва бошқаришда маҳсус иқтисодий зоналарнинг тутган ўрни ва ривожланиш динамикасини таҳдид килиш:

- кўп омилли индекслар усули ёрдамида худуд молиявий имконияти ва маҳсус иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини баҳолаш;

ташкил қилишнинг ҳуқуқий ва инфратузилмавий таъминоти таҳлилини амалга ошириш;

- ҳудуд молиявий имкониятларини ривожлантиришда маҳсус иқтисодий зоналарни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш йўналишларини илмий асослаш;

- ҳудуд молиявий имкониятларининг ривожланиши билан боғлиқ маҳсус иқтисодий зона фаоллигини ошириш моделини ишлаб чиқиш;

- инновацион тараққиёт талаблари асосида ҳудуд молиявий имкониятларини ривожлан-

тиришнинг маҳсус иқтисодий зоналар стратегиясини ишлаб чиқиш.

Мамлакатимиз минтақаларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, транспорт, мухандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёнларига янги самарали технологияларнинг татбиқ этилишини жадаллаштириш мақсадида кичик саноат зоналарини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади ва бу соҳада ҳуқуматимиз томонидан кўплаб қонунчилик хужжатлари кабул қилинди (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон Республикасида маҳсус иқтисодий зоналарни ривожлантириш юзасидан қабул қилинган қонунчилик хужжатлари [22]

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши: аҳоли бандлиги, ижтимоий ҳимоя, кичик бизнесни ривожлантириш, саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш фаолиятини қўллаб-қувватлаш каби қатор йўналишларда олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси маҳсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва бошқариш амалиёти ўзининг илк қадамларини қўяётгандиги билан бирга қисқа фурсатларда бу соҳада тегишли тезкор чора-тадбирлар белгиланди ва уларнинг ижросига киришилди (3-расм).



3-расм. Ўзбекистон Республикаси маҳсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари [22]

Хозирги кунда мамлакатимизда кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва бошқариш тенденцияларини тадқиқ этиш уларнинг иқтисодий салоҳияти таҳлили натижаларига асослашиши табиийдир. Шу боисдан Ўзбекистон Рес-

публикасида маҳсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарида ишлаб чиқариш салоҳиятининг 2017-2020 йиллардаги динамикасини ўрганиш мухим аҳамият касб этади (4-расм).

### Амалга оширилган лойиҳалар


#### Маҳсус иқтисодий зоналар

|                    |  |                 |
|--------------------|--|-----------------|
| Лойиҳалар сони     |  | 409 та          |
| Қиймати            |  | 2 278,9 млн. \$ |
| Хорижий инвестиция |  | 741,6 млн. \$   |
| Иш ўринлари        |  | 31 015 нафар    |

#### Кичик саноат зоналари

|                |  |                   |
|----------------|--|-------------------|
| Лойиҳалар сони |  | 1375 та           |
| Қиймати        |  | 4 078,0 млрд. сўм |
| Куввати        |  | 5 419,0 млрд. сўм |
| Иш ўринлари    |  | 29 907 нафар      |

#### МИЗ ва КСЗ да ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг республика саноатидаги улуши




4-расм. Ўзбекистон Республикасида маҳсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарида ишлаб чиқариш салоҳияти [22]

4-расмдан кўринишича, мамлакатимизда 2017-2020 йилларда кичик саноат зоналарида ишлаб чиқариш салоҳиятини уларда қиймати 4078 млрд. сўмдан зиёд 1375 та лойиҳа бўйича 5419 млрд. сўмлик ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилгани ва 29907 нафардан зиёд янги иш ўринлари яратилганлиги хусусиятлайди. Ушбу даврда кичик саноат зоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг республика са-

ноатидаги улуши деярли 2 марта га ўсади (0,6:0,3).

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг яқин (2022 йилгача) ва ўрта муддатли истиқболларида (2025 йилгача) маҳсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ривожлантиришнинг тегишли кўрсаткичларига эришиш вазифалари ва уларни таъминлаш асослари белгиланди (5-расм).

#### 2022 йилга қадар 204 та туман (шаҳар)ларнинг хар бир секторида биттадан кичик саноат зonasини ташкил этиш



#### Маҳсус иқтисодий зоналарни 2020-2025 йилларда ривожлантириш

- МИЗнинг ЯММдаги улушини 7,5 %га етказиш
- 4,0 млрд. долл. тўғридан тўғри инвестиция жалб қилиш
- 100 минг нафар иш ўрнини яратиш
- МИЗнинг республика экспорт улушини 15 %га етказиш

5-расм. Ўзбекистон Республикасида маҳсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш истиқболлари [22]

Худудларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, кўп укладли иқтисодиёт, шу жумладан, кичик тадбиркорликни шакллантириш, товар, меҳнат ва капиталнинг умумдавлат ва худудий бозорлари ҳамда институционал ва бозор инфратузилмаси шаклланишига қўмаклашиш, инфратузилмавий тизимларни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар ўзининг ижобий суръатлари ни намоён этмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган фаол инновацион-инвестицион ислоҳотлар, худудлар ижтимоий-иктисодий тараққиётини таъминлашда, худудларнинг бозор имкониятларидан мақсадли фойдаланиш жараёни тизимли тартибда ташкил этиш муаммосининг долзарб аҳамиятга эга эканлигини акс эттиради. Худудий салоҳиятдан самарали фойдаланиш жараёни ишлаб чиқариш кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришнинг ўзига хос қонуниятлари асосида ташкил этилади. Уларнинг ичидаги минтақаларни мажмуали ривожлантириш, оқилона меҳнат тақсимотини амалга ошириш ва худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини тенглаштириб бориш, худудда хўжалик тармоқлари ҳамда соҳаларининг мутаносиб ривожланиши ва оқилона ихтисослашувини таъминлаш талаб этилади. Бу эса худудларни комплекс ва мутаносиб тарзда ривожлантиришни таъминлаш, мавжуд табиий-хомашё, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш ҳамда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириб боришга самарали таъсир кўрсатиш имкониятларини шакллантириш заруратини юзага келтиради. Бу борадаги қатор устуворликларнинг асосий жиҳатлари кичик саноат зоналари фаолиятида яққол намоён бўлади.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. <http://www.uzdaily.uz/uz/post/1637>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т., 2018 йил 28 декабрь. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. 2030 йилгача Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш концепцияси. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. Kolko J., Neumark D. Do Some Enterprise Zone Create Jobs? // NBER Working Paper. 2019. No.15206. [Электронный ресурс]. URL:[www.nber.org/papers/w15206](http://www.nber.org/papers/w15206)
5. Го Шуҳун. Свободные экономические зоны как эффективная форма развития экономики: на примере КНР: Дис. ... канд. экон. наук. – Хабаровск, 2019. С. 143.
6. Zeng D.Z. Global Experiences with Special Economic Zones with a focus on China and Africa. The World Bank, Trade and Competitiveness Global Practice, 2015. 17 p. [Электронный ресурс]. URL: [www.worldbank.org.pdf](http://www.worldbank.org.pdf)
7. Chee L. Special Economic Zones and Growth in China and India: An Empirical Investigation. // International Economics and Economic Policy. 2013. Vol. 10. P. 549-567.
8. Van Parys S., James S. The Effectiveness of Tax Incentives in Attracting Investment: Panel Data Evidence from the CFA Franc Zone. // International Tax and Public Finance. 2018. Vol. 17, Is. 4. P. 400-429.
9. Евстафьева А.Х. Обеспечение экономической безопасности территорий в условиях реализации стратегии пространственного развития Российской Федерации. Автореферат дисс. на соиск. уч. степ. д.э.н. -Йошкар-Ола, 2021. С. 4.
10. Свінцова К.С. Административно-правовой режим особых экономических зон. Автореф. дис.. канд. юрид. наук. – Воронеж, 2018. С. 23.
11. Гасумянова А.В. Правовой режим предпринимательства в особых экономических зонах РФ. Автореф. дис. канд. юрид. наук. – СПб., 2012. С. 8.
12. Серебрякова Е.Е. Технико-внедренческие особые экономические зоны: правовые аспекты создания и функционирования. Дис. канд. юрид. наук. – СПб., 2013. С. 186.
13. Вишняков В.Г. Особые экономические зоны: правовые проблемы и пути развития. // Журнал российского права. 2013. № 1. С. 31.

**Хулоса ва таклифлар.** 1. Махсус иқтисодий зона(МИЗ)ларнинг худуд молиявий имкониятларини оширишдаги иштирокининг инновацион ривожланиши ва унга баҳо беришда инсон капиталининг ҳолати, МИЗдаги мавжуд техник-технологик ишланмалар, ихтиrolар сони, уларнинг аҳоли сонига нисбати бўйича кўрсатичларни таҳлил қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу борада МИЗнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш бўйича хорижий давлатларнинг илғор илмий-услубий тажрибаларини Ўзбекистон шароитига мослаштириш ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиши соҳа тадқиқотчиларининг асосий вазифаларидан биридир.

2. МИЗнинг инвестицион салоҳиятига баҳо беришда иқтисодий ресурслар, интеллектуал салоҳият ва ушбу салоҳиятдан амалда нечоғлиқ фойдаланилаётганлиги, унинг ресурс салоҳиятидан техник ва технологик жиҳатдан фойдаланиш имкониятлари ва уларнинг кўламидан келиб чиқиб, бошқа омилларнинг инобатга олиниши ва турли дастурлар ишлаб чиқилиши зарур шартлардан ҳисобланади. Зоро, умумэътироф этилган ва амалиётда ўз тасдиғини топган ишланмаларни ўрганиш ва татбиқ этиш, уларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етган ҳолда амалга ошириш худудларнинг комплекс равишда ривожлантирилиши учун ишлаб чиқилаётган МИЗни ривожлантириш дастурлари ва концепцияларининг самарали натижага беришини таъминлайди.

3. МИЗнинг инвестицион салоҳиятини бошқариш тизими ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, у МИЗ таркибидаги резидентлар (хўжалик юритувчи субъектлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўз-ўзини бошқариш органлари, турли институтлар)ни ягона мақсад сари бирлаштириш билан бир қаторда уларнинг манфатлари ҳам инобатга олиши талаб этилади.

14. Зарипова И.Р., Хафизова В.Р. Баланс финансовых ресурсов территории. 5-изд. – Уфа: ГП Принт, 2014. С. 86-90.
15. Верхолаз М.А. Влияние степени использования экономического потенциала на состояние местных бюджетов. 6-изд. – Белград: Искра, 2015. С. 24-26.
16. Сабитова Н.М. О понятии финансового потенциала региона и методологии его оценки. // Финансы. 2016, № 2, с. 63-65.
17. Коломенец А.Л., Новикова А.И. О соотношении финансового и налогового потенциалов в региональном разрезе. // Налоговый Вестник. 2018, № 3, с. 5.
18. Королева Н.В. Бюджетно-налоговая политика – как проявление экономической политики. Региональный аспект. 6-изд. – Сыктывкар: Изд. Сыктывкарского Гос. Университета, 2014. С. 101-106.
19. Djamatov Kh.N. Role and functions of the estimation of the business in the system of financial management. // Public finance. // Paris, 2010 year may, p. 22-28.
20. Jamalov Kh.N., Abdullayev A.B. Development Of The Methodology Of Accounting Expertise Of Tax Obligations. // The American Journal of Management and Economics Innovations, 2021, 3(05), 151-163.
21. Djamatov Kh.N. Three-dimensional system for estimating efficiency and agreement of entrepreneurial activity prioritev publications. // Journal NX-A Multidisciplinary Peer Reviewed. Journal ISSN No: 2581-4230. VOLUME 7, ISSUE 6, June. 2021. p. 365-370.
22. Дилемуродов А.Н. Саноат зоналарини ривожлантириш худудларнинг инновацион салоҳиятини оширишнинг муҳим омили. // Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Саноат зоналарини ривожлантириш бошқармаси бошлигининг маъruzаси. 2020 йил 17декабрь. <https://mineconomy.uz/ru>.
23. Abdullayev A.B. Improving income tax analysis methodology in business entities. // International journal of economic perspectives. 16.10 (2022): 61-67.



### МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР МУВОЗАНАТЛАШГАН МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОЛИГИГА ДАРОМАД БАЗАСИ ШАКЛЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ТАЪСИРИ ТАҲЛИЛИ

Джумаев Соҳиб Ҳайитмуротович -  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
таянч докторанти

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a59](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a59)

**Аннотация.** Мақолада маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлиги ва унинг даромад базаси шаклланиши самарадорлигининг илмий-назарий жиҳатлари тадқиқ этилган. Шунингдек, мамлакатимиз давлат бюджети ва худудлар кесимида давлат бюджети даромадларининг шаклланиши, маҳаллий бюджетлар даромад манбаларининг таркиби таҳлил қилинган ҳамда солиқ тизимининг маҳаллий бюджетлар даромад базаси шаклланиши ва улар молиявий барқарорлигини таъминлашдаги ҳиссасига баҳо берилган. Маҳаллий бюджетлар даромадларини такомиллаштириш орқали улар барқарорлигини таъминлашга қаратилган тақлифлар ишлаб чиқилган.

**Ключевые слова:** давлат бюджети, маҳаллий бюджетлар, молиявий барқарорлик, даромад базаси, молиявий салоҳият, бюджетлар барқарорлиги.

### АНАЛИЗ ВЛИЯНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ДОХОДНОЙ БАЗЫ НА СБАЛАНСИРОВАННУЮ ФИНАНСОВУЮ УСТОЙЧИВОСТЬ МЕСТНЫХ БЮДЖЕТОВ

Джумаев Соҳиб Ҳайитмуротович -  
Ташкентский государственный экономический  
университет, базовый докторант

**Аннотация.** В статье исследовано финансовая устойчивость местных бюджетов и научно-теоретические аспекты эффективности формирования их доходной базы. Также, были проанализированы государственный бюджет страны и формирование доходов государственного бюджета в разрезе регионов, структура источников доходов местных бюджетов, оценен роль налоговой системы в формировании доходной базы местных бюджетов и обеспечении их финансовой устойчивости. Разработаны предложения, направленные на обеспечение устойчивости местных бюджетов за счет совершенствования их доходов.

**Ключевые слова:** государственный бюджет, местных бюджетов, финансовая устойчивость, доходная база, финансовый потенциал, устойчивость бюджетов.

### ANALYSIS OF THE IMPACT OF THE EFFICIENCY OF THE FORMATION OF THE INCOME BASE ON THE BALANCED FINANCIAL STABILITY OF LOCAL BUDGETS

Djumaev Sohib Khaitmurotovich  
Tashkent State the University of Economics,  
basic doctoral student

**Abstract.** The article examines the financial stability of local budgets and scientific and theoretical aspects of the effectiveness of the formation of their revenue base. Also, the state budget of the country and the formation of state budget revenues by regions, the structure of local budget revenue sources were analyzed, the role of the tax system in the formation of the revenue base of local budgets and ensuring their financial stability was assessed. Proposals have been developed aimed at ensuring the sustainability of local budgets by improving their revenues.

**Keywords:** state budget, local budgets, financial sustainability, revenue base, financial potential, sustainability of budgets.